

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ БУХОРО
ФИЛИАЛИ**

ҚОДИРОВ ЗАЙНИДДИН ЗАРИПОВИЧ

**СОЯНИ ШЎРЛАНИШГА МОЙИЛ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (БУХОРО
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Қодиров Зайниддин Зарипович

Сояни шўрланишга мойил тупроқлар шароитида суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқиш (Бухоро вилояти мисолида)..... 3

Қодиров Зайниддин Зарипович

Разработка элементов технологии орошения сои в условиях предрасположенных к засолению почвы (на примере Бухарской области)..... 21

Kodirov Zayniddin Zaripovich

Development of elements of irrigation technology for soybean in the condition of soils prone to salinization (on the example of Bukhara region)..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ
БУХОРО ФИЛИАЛИ**

ҚОДИРОВ ЗАЙНИДДИН ЗАРИПОВИЧ

**СОЯНИ ШЎРЛАНИШГА МОЙИЛ ТУПРОҚЛАР ШАРОИТИДА СУҒОРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ (БУХОРО
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

06.01.02 – Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2020.2.PhD/Qx223 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиалида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасининг (www.psuyaiti.uz) «ZiyoNet» ахборот таълим (www.ziyo.net) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Исаев Сабиржан Хусанбаевич қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Норкулов Усманкул қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Комилов Бахтиёр Султанович қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти


Фалсафа доктори (PhD) диссертация химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 05 соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: piim@agro.uz.)


Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (107 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани Ботаника М.Ф.Й, ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37

Диссертация автореферати 2021 йил “3” 05 да тарқатилди.
(2021 йил “3” 05 № 1 рақамли реестр баённомаси)



**Ш.Н.Нурматов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

**Ф.М.Хасанова**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н., профессор

**Ж.Х.Ахмедов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунё бўйича сўнгги ўн йил ичида соя майдонининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,7 фоизни ташкил этган, гектаридан ҳосилдорлиги 1,0 фоизга ошишига эришилган бўлиб, 2019-2020 йилларда дунёда соя майдони 122 миллион гектарга, ялпи дон ҳосили қарийб 342 миллион тоннага етиб, 2009-2010 йилга нисбатан 31 фоизга ва жаҳондаги савдоси қарийб 152 миллион тонна ёки 65 фоизга ўсиши кузатилган»¹. Сояни етиштиришда суғориш техникаси элементларини такомиллаштириш орқали сув ресурслардан самарали фойдаланиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда иқлимнинг глобал ўзгаришида соя ўсимлигини етиштиришни кўпайтириш, ер–сувдан самарали фойдаланиб, соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигини ошириш, турли даражада шўрланган тупроқлар шароитида юқори ҳосилли соя навларини экиш муддатлари, суғориш меъёрлари, мавсумий суғориш меъёри ва суғориш усулларида самарали фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида изланишлар кенг миқёсида олиб борилмоқда. Шундан келиб чиқиб, ердан самарали фойдаланишда турли тупроқ-иқлим шароитларида соя навларини етиштиришда ресурстежамкор суғориш технологияси элементларидан фойдаланган ҳолда юқори ва сифатли ҳосил берадиган навларни танлаб, уларни етиштиришга доир илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Республикада суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, уларнинг ҳисобини юритиш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар изчил амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида суғориш сувлари тежалиши, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши, сизот сувлари сатҳи яқин жойлашган экин майдонлари камайиши сабабли ҳосилдорликнинг ошишига эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни қўллаш»² асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, соя навларини суғоришда сувтежовчи суғориш технологияси элементлари орқали сувни тежаш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 июлдаги ПҚ-3144-сонли қарори билан 2017 йил 14 мартдаги «2017-2021 йилларда республикада соя экишни кўпайтириш ва соя дуккакли дон экинларини ўстиришни ташкил этиш чора – тадбирлари тўғрисида» ПҚ-2832-

¹<http://www.fao.org/docrep/018/i17928ri17928r024.pdf>.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

сонли қарори ва шу қарорга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги «2017-2021 йиллар давомида республикада юқори ҳосилли соя навларини яратиш,

бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш, етиштириш ва майдонини кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар дастури», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 декабрдаги ПҚ-4919-сонли «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада жадал ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикаимизнинг турли тупроқ иқлим шароитларида қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш усуллари, тартиблари, техника ва технологияларини тупроқ сув-физик хоссаларига, ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигига ва унинг сифатига таъсирини ўрганиш бўйича В.Еременко, М.Меднис, С.Рыжов, С.Гильдиев, Н.Беспалов, Қ.Мирзажанов, А.Нерозин, А.Авлиякулов, Г.Безбородов, К.Икрамов, Ш.Нурматов, М.Хамидов, Б.Мамбетназаров, Ф.Бараев, А.Салоҳиддинов, У.Норкулов, А.Исашев, С.Исаев, соя навларини суғоришда тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда Қ.Мирзажанов, М.Манапова, Ҳ.Атабаева, Д.Ёрматова, Р.Тиллаев, Б.Холиқов, У.Нематов, Я.Бўриев, чет эл олимларидан Б.Е.Енкин, Т.Рязанцева, Я.Малнои, В.Степанова, М.Светнова, Э.Маландалов, Ш.Магамедов, М.Ерлепесов, О.Турешов, J.Schlecher, S.Madjar, M.Vrataris, W.Robertson, T.Vuan, V.Kumar, K.Binder каби олимлар томонидан изланишлар олиб борилиб, юқори илмий натижаларга эришилган.

Лекин, Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларини суғоришда ресурстежамкор эгатга плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғориш технологияси элементларини аниқлаш бўйича етарли илмий изланишлар олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Бухоро филиали илмий тадқиқотлар режасининг №КХА-7-14-2017-«Шўрланган ва шўрланишга мойил тупроқларда сояни суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқиш» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва Сув хўжалиги вазирлигининг №1/2017-сонли «Тежамкор суғориш технологияларини такомиллаштириш ва фермер хўжаликларига жорий қилиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2017-2019 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида асосий экин сифатида соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларини суғоришда ресурстежамкор эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ҳамда эгатларни қарама-қарши суғориш технологияси элементларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

соянинг ўртапишар ва кечпишар навларини ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида суғоришда эгат узунлигига боғлиқ ҳолда ресурстежамкор суғориш технологиялари элементларини тупроқнинг агрофизикавий хоссаларига таъсирини аниқлаш;

сояни суғоришда сув сарфи, суғориш сони, суғориш оралиғи, суғориш муддатлари ва мавсумий суғориш меъёрлари ҳамда сув истеъмолига ресурстежамкор суғориш технологияси элементларининг таъсирини аниқлаш;

эгат узунлиги ва сув оқими тезлигига боғлиқ ҳолда сояни ресурстежамкор суғориш технологияси элементларининг сизот сувлар сатҳи ва минераллашганлик даражасига таъсири аниқлаш;

суғориш техникаси элементларининг тупроқдаги тузлар миқдорига таъсирини аниқлаш;

эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғоришда турли эгат узунлиги ва сув оқим тезлигининг ўртапишар ва кечпишар соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятининг кучсиз шўрланган, ўтлоқи аллювиал тупроқлари, гидрогель, соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети соянинг ўртапишар ва кечпишар навлари, эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғориш, сувга бўлган талаби, сув истеъмоли, ўсиши, ривожланиши, дон ҳосилдорлиги ҳамда дон сифатига таъсир этувчи омиллардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотларда барча кузатув, ўлчов ва таҳлилилар ПСУЕАИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий таҳлилларида «Ѓўза етиштирадиган суғориладиган раёнларда агрохимёвий, агрофизикавий ва микробиологик хоссаларини аниқлаш услубномаси», «Агрофизик тадқиқотлар усулблари» услубий қўлланмалар асосида олиб борилиб, дала тажрибаларидан олинган маълумотларга математик-статистик ишлов бериш Microsoft Excel дастури ёрдамида Б.Доспеховнинг услубий қўлланмалари асосида амалга оширилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Бухоро вилоятининг сизот сувлари сатҳи 2,5 метрда жойлашган, ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларидан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда суғоришнинг эгат узунлигига боғлиқ ҳолда ресурстежамкор эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғориш технологияси элементлари ишлаб чиқилган;

соянинг кечпишар “Ўзбек-6” навини эгатга қора плёнка тўшаб суғориш ҳамда сув оқими тезлиги 0,20 л/с-50 метрга 1437 м³, 0,14 л/с-30 метрга 864 м³ ва 0,08 л/с-20 метрга 574 м³ ҳамда сояни экиш билан гидрогельни 50 кг/га меъёрда қўллаб сув оқими тезлиги 0,20 л/с-50 метрга 1503 м³, 0,14 л/с-30 метрга 898 м³ ва 0,08 л/с-20 метрга 599 м³ меъёрда суғориш аниқланган;

ўртапишар “Нафис” навини қора плёнка тўшаб суғоришда 1 ц донга сарфланган умумий сув миқдори 126,9 м³/ц, 1 центнер дон ҳосилга сарфланган мавсумий сув миқдори 79,8 м³/ ц ни, кечпишар “Ўзбек-6” навини гидрогель қўллаб суғорилганда 1 ц донга сарфланган умумий сув миқдори 150,0 м³/ц, 1 центнер дон ҳосилига сарфланган мавсумий сув миқдори 92,6 м³/ ц бўлиши аниқланган;

сизот сувлари сатҳи 2,5 метрда жойлашган, ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида соя навини тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% да 1-3-0 тизимда эгатлаб суғоришда дон ҳосили 26 ц/га, эгатга қора плёнка тўшаб ва гидрогель қўллаб суғорилганда 34,2–37,8 ц/га бўлиб, эгатлаб суғоришга нисбатан ўртапишар “Нафис” навида 8,2–11,8 ц/га, кечпишар “Ўзбек-6” навида 7,5–10,2 ц/га қўшимча ҳосил олиш мумкинлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари: Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида асосий экин сифатида соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларини парваришlashда уларни мавсум давомида суғоришлардан олдинги тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоизда эгатга қора плёнка тўшаб суғоришда 4 марта суғориш, бунда гуллаш давригача бир марта 714 м³/га, гуллашдан амал даври охиригача 3 марта 739-763 м³/га меъёрда суғориб, мавсумий суғориш меъёри 3016 м³/га берилиши аниқланган;

сояни ресурстежамкор суғориш технологияси элементларини соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларининг ривожланишига таъсири аниқланиб, поя баландлиги 2,1-6,2 см, дуккак сони 3,9-18,5 дона, дон вазни 11,5-54,2 граммга ортиқ бўлиши аниқланган;

сояни суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНСга нисбатан 70-70-60% тартибда ресурстежамкор эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғориш технологияси элементлари жорий қилиниб, унда сояни парваришlashда эгатга қора плёнка тўшаб суғорилганда, 35,1-37,8 ц/га дон ҳосили олинган;

олиб борилган тадқиқот натижасига кўра, ўтлоқи аллювиал тупроқлар шароитида ўрганилган иккала соя навларини парваришlashда ресурстежамкор эгатга қора плёнка ва сомон тўшаб, гидрогель қўллаб ва эгатларни қарама-қарши суғориш технологияси элементлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг дала ва лаборатория услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган маълумотларни вариацион-статистик таҳлил қилинганлиги, олинган маълумотларнинг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, тўпланган маълумотлар, мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга соянинг ўрта ва кечпишар навларини ресурстежамкор суғориш технологиялари элементларини қўллашда кенг жорий қилинганлиги, республика ва халқаро миқёсидаги илмий амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги натижаларининг ишонччилигини асослайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотларнинг илмий аҳамияти, илк бор Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг

ўртапишар ва кечпишар навларини ресурстежамкор суғориш технологиялари элементларининг эгат узунлиги ва сув оқимиغا боғлиқ ҳолда суғориш сонлари, муддатлари, меъёрлари ва мавсумий суғориш меъёрларини соянинг дон ҳосилига таъсирининг илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида асосий экин сифатида экилган соянинг ўртапишар ва кечпишар навларини суғоришда ресурстежамкор суғориш технологиялари элементларини унинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилорлигини ошириш, пировард натижада юқори, таннархи арзон ҳосил олиниб, ишлангани самарадорлиги ошганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро вилоятининг ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар ва кечпишар навларини асосий экин сифатида етиштиришда ресурстежамкор суғориш технологияларининг такомиллашган элементлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

асосий экин сифатида соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда ресурстежамкор суғориш технологияси элементлари бўйича «Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган шўрланишга мойил бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида сояни парваришlash» номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 02/021-4247-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома бугунги кунда фермер хўжаликлари ва кластерлари учун соянинг “Нафис” ва “Ўзбек-6” навларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришда муҳим қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

сояни суғоришда ресурстежамкор суғориш технологиялари элементлари Бухоро вилоятининг Вобкент туманидаги «Арбоб Муҳаммад саховати» фермер хўжалигида соянинг ўртапишар “Нафис” нави қора плёнка тўшаб, эгат узунликлари 50, 30, 20 м, сув оқими мос равишда 0,20, 0,14, 0,08 л/с тезликда ЧДНСга нисбатан 70-70-60 фоиз тартибда 1-3-0 тизимда суғориш технологияси 45 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 02/021-4247-сон маълумотномаси). Натижада сояни униб чиқиш ва гуллаш даврида 615 м³/га, дуккаклаш даврида 600-650 м³/га ва мавсум давомида 2360 м³/га меъёрда қўшимча 9,5 ц/га дон ҳосили олишга эришилган;

сояни суғоришда ресурстежамкор суғориш такомиллаштирилган технологиялари Бухоро вилоятининг Бухоро туманидаги «Довуд иқбол» ва «Музаффар Зайнидинов» фермер хўжалигида 65 гектарга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 16 декабрдаги 02/021-4247-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида сояни мавсумий суғориш меъёри назорат вариантыга нисбатан 1340 м³/га сув иқтисод қилиниб, рентабеллик 8,4 фоизга ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили ЎзҚХООТИИЧМ ва ТИҚХММИнинг Бухоро филиалининг мутахассис олимлари иштирокида тузилган махсус апробация комиссияси томонидан апробация кўригидан ўтказилган ва яхши баҳоланган, йиллик

ҳисоботлар институтнинг илмий кенгашларида муҳокама қилиниб, диссертация ишининг асосий натижалари республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, 1 та тавсиянома чоп этилган ҳамда Ўзбекистон республикаси интеллектуал мулк агентлигининг IP-CENTER-№001207 гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти келтирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳоланганлиги, нашр этилган мақолалар ва материаллар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар шарҳи батафсил ёритилган. Шу билан бир қаторда, илмий манбалардан хулосалар қилиниб, тадқиқотлар олдига қўйилган мақсад ва вазифалар, республикамиз ҳамда дунёда сув ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш, сувнинг ўсимлик ҳаётидаги ўрни, дунёда ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги асосий экинлардан бири бўлган соянинг илмий асосланган суғориш тартиблари ва уни амалга оширадиган сувтежовчи суғориш технологияси элементлари, дарё сувларини тежаши, тупроқнинг сув-физик хоссалари ва озуқа тартибларига ҳамда соя навларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари таҳлил қилинган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида Бухоро вилоятининг қадимдан суғориладиган, ўтлоқи аллювиал, механик таркиби ўрта кумоқ, сизот сувлари сатҳи 2,5 метр чуқурликда жойлашган тупроқлари шароитида соянинг ўртапишар «Нафис» ва кечпишар «Ўзбек-6» навини суғориш технологиялари самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб бориш зарурлиги баён этилган.

Диссертациянинг «**Тажриба ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот услублари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган Бухоро вилоятининг географик ўрни, рельефи, иқлим шароити,

геоморфологик, геологик ва гидрогеологик шароитлари, тупроқ-мелиоратив ҳолатлари, суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар, турли литологик, гидрогеологик ва тупроқ-иқлим шароитларида ривожланганлиги бўйича таҳлиллар келтирилган.

Тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба тизими, тажрибада қўлланилган агротехник тадбирлар ҳамда соя навларининг биологик тавсифлари баён қилинган.

Диссертация иши бўйича дала тажрибалари 2017–2019 йилларда Бухоро вилояти Вобкент тумани Ҳалвогарон МФЙ ҳудудида жойлашган «Аброр Мухаммад саховати» фермер хўжалигининг даласида ўтказилган. Тажриба 10 та вариантдан иборат бўлиб, 3 та қайтариқда такрорланган. Вариантлар бир ярусда жойлашган, битта пайкал (делянка) нинг майдони 480 м² ни, тажриба майдони 1,44 гектарни ташкил қилади.

Дала тажрибалари Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий–тадқиқот институтида қабул қилинган «Методы проведения опытов с хлопчатником» (Ташкент, 1983), агрохимёвий хоссаларини таҳлил қилиш «Методы агрохимических анализов почв и растений» (Ташкент, 1977), тупроқнинг агрофизикавий хоссаларини таҳлил қилиш «Методы агрофизических исследований» (Ташкент, 1973), «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (Тошкент, 2007) қўлланмалари асосида олиб борилган. Агрохимёвий таҳлилларни олиб боришда тажриба даласида конверт шаклида 1-1,5 метргача тупроқ кесмалари (разрез) қазилиб, генетик қатламлардан тупроқ намуналари олинганлиги ва тупроқдаги гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорнинг умумий миқдорлари А.Ф.Гриценко, И.М.Мальцева усулида, нитратли азот миқдори Грандвальд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор миқдори Б.П.Мачигин усулида аниқланганлиги, тупроқнинг ҳажм массаси (Н.А.Качинский) цилиндр усулида, структураси И.В.Саввинов усулида аниқланган.

Диссертациянинг «**Тажриба даласи тупроғининг морфологик таърифи, механик таркиби ва агрохимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг морфологик тавсифи, механик таркиби, агрохимёвий ва агрофизик тавсифи, уч йил давомида олиб борилган тадқиқотларда соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларини ресурстежамкор суғориш технологияларни қўллаб, мавсумий сув меъёри, сизот сувлари сатҳи, тупроқдаги озика моддалари, кўчат қалинлиги, соянинг ўсиб-ривожланиши, ҳосилдорлиги, соя донининг сифат кўрсаткичларининг ортишига олиб келувчи самарали сувтежовчи суғориш технологияси элементлари исботланган.

Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сиғими 0–50 см қатламда тупроқнинг мутлақ қуруқ массасига нисбатан 21,7–21,9 фоиз, 0–70 см қатламда 21,4–21,6 фоиз ни ва тупроқнинг 0–100 см қатламида 21,5–21,6 фоиз ни ташкил этган.

Олинган маълумотлар, вегетация бошида энг кўп сув ўтказувчанлик тажрибанинг биринчи соатида (216,8 м³/га ни ташкил этди) кузатилган бўлса, кейинги соатларда сув ўтказувчанлик нисбатан камайиб борган ва кузатувларнинг 5 ва 6 - соатларида сув ўтказувчанлик тезлиги бир-бирига яқинлашиб борган. Умуман олганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 2017 йилда 764,5 м³/га га тенг бўлган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 782,2 м³/га га, 2019 йилда 776,8

м³/га га тенглигини кўрсатди.

Вегетация охирида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги вариантлар бўйича турлича ўзгарганлигини кузатишимиз мумкин, яъни соянинг ўртапишар “Нафис” навини эгатлаб суғоришнинг 1-вариантида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 2019 йилда 6 соат давомида 670,1 м³/га ёки 0,186 мм/мин ни ташкил қилган бўлса, соя навини эгатга қора плёнка тўшаб суғорилга 2-вариантда 731,1 м³/га ёки назоратга нисбатан 61 м³/га, 0,017 мм/мин га юқори бўлганлиги, соя навини етиштиришда экиш билан тупроққа гидрогель қўлланилган 3-вариантида вегетация бошига нисбатан 74 м³/га камайган бўлса, назоратга нисбатан 32,7 м³/га ҳамда 0,009 мм/мин юқори бўлганлиги, ўртапишар “Нафис” навини етиштиришда эгат қатор орасига сомон тўшаб суғорилган 4-вариантда вегетация бошига нисбатан 85,9 м³/га ёки бўлмаса 0,024 мм/мин га камайиб, 690,9 м³/га тенг бўлган бўлса, эгатлаб суғоришга нисбатан 20,8 м³/га ҳамда 0,006 мм/мин га юқори бўлганлиги, шунингдек, тажриба давомида соянинг ўртапишар “Нафис” навини етиштиришда эгатни қарама-қарши томонидан суғорилган 5 вариантыда вегетация бошига нисбатан 94,8 м³/га ёки бўлмаса 0,026 мм/мин га камайиб, 682 м³/га ҳамда 0,189 мм/мин га тенг бўлганлиги кузатилди.

Тадқиқотлар давомида соянинг кечпишар “Ўзбек-6” навини етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинганда, вегетация бошида дастлабки сув ўтказувчанлик соянинг ўртапишар “Нафис” нави етиштирилган сингари 776,8 м³/га ҳамда 0,216 мм/мин га тенг бўлган бўлса, назорат яъни соянинг кечпишар “Ўзбек-6” навини эгатлаб суғорилган 6-вариантда вегетация охирида 672,3 м³/га ҳамда 0,187 мм/мин га, эгатга қора плёнка тўшаб суғорилган 7-вариантда 727,9 м³/га га тенг бўлиб, эгатлаб суғоришга нисбатан 55,6 м³/га юқори бўлган, сояни экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғорилган 8-вариантда вегетация охирида эгатлаб суғоришга нисбатан 28,6 м³/га ёки 0,008 мм/мин га юқори бўлган, тажрибаларнинг 9 ҳамда 10-вариантларида вегетация охирига бориб, мос равишда 689,8; 682,5 м³/га ёки 0,192; 0,189 мм/мин ни ташкил қилиб, эгатлаб суғоришга нисбатан мос равишда 17,5; 9,8 м³/га ёки 0,005; 0,003 мм/мин га юқори бўлганлиги аниқланди.

Маълумки, турли сувтежовчи суғориш технологияси элементларини такомиллаштириш учун тупроқнинг сув сингиши тезлигини, оқимнинг пасайиши ва парчаланишини, тупроқ намлигининг тарқалиш вақти ва бир хиллигини ўлчаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соя навларини турли сувтежовчи суғориш технологияси элементларидан фойдаланган ҳолда сувни тежаш технологияларини жорий этишда ва унинг оптимал элементларини ўрганишда сояни суғоришнинг ушбу параметрлари ҳамда кўрсаткичларини ҳисобга оламиз.

Тупроқнинг филтрланувчанлигига турли сувтежовчи суғориш технологияси элементлари асосидаги таъсирини ўрганиш учун далада ҳар бир эгатга берилган сув эгат узунлиги 50 м, 30 м, 20 м, оқим тезлиги 0,20 л/с, 0,14 л/с ва 0,08 л/с миқдорлари ўрганилди.

Ўтлоқи аллювиал тупроқларда соя навларини суғориш режимининг энг муҳим хусусияти, ўсимликларнинг ялпи ётган ер ости сувларидан фойдаланиши, сувнинг умумий хажмида ҳисобга олиниши ҳисобланади.

$D_{\text{иир}} = M_{\text{бр}} * L_6 * B_6 / 3600 * q$; соат; $D_{\text{иир}} = M_{\text{бр}} * L_6 * B_6 / 600 * q$; минут. (1)
 Бу ерда: $D_{\text{иир}}$ -суғориш давомийлиги; $M_{\text{бр}}$ -эгатга бериладиган суғориш меъёри, м³/га; L_6 -эгат узунлиги; q -эгатга бериладиган сув сарфи, л/с.

Илдиз зонасидан ташқарида далада сувнинг инфилтрацияси суғоришдан кейин ер ости сувлари даражасининг ўзгаришига қараб белгиланади.

2017 йил сояни суғоришда ҳар бир вариантлар бўйича ҳар бир эгатга берилган сув миқдори эгатлаб суғорилган 1-вариантда, 1-чи суғоришда 50 метрга – 0,20 л/с да 361,5 м³ сув берилган бўлса, 30 метрга – 0,14 л/с да 216,9 м³ ва 20 метрга – 0,08 л/с да 144,6 м³ сув берилган; 2-чи суғоришда юқоридагиларга мос ҳолда 469,5; 281,7 ва 187,8 м³, 3-чи суғоришда – 454,5; 272,7 ва 181,8 м³, 4-чи суғоришда – 462,0; 277,2 ва 184,8 м³, 5-чи суғоришда – 616,0; 369,6 ва 246,4 м³ ва мавсум давомида 50 метрда – 2363,5 м³, 30 метрда – 1418,1 м³ ва 20 метрда – 945,4 м³ сув берилган ёки мавсумий суғориш меъёри 4727 м³, эгатга қора плёнка тўшаб суғоришнинг 2-вариантда юқоридагиларга мос ҳолда 1-чи суғоришда 50 метрга – 0,20 л/с да 367,0 м³ сув берилган бўлса, 30 метрга – 0,14 л/с да 202,2 м³ ва 20 метрга – 0,08 л/с да 146,8 м³; 2-чи суғоришда – 368,0; 220,8 ва 147,2 м³, 3-чи суғоришда – 413,0; 247,8 ва 165,2 м³, 4-чи суғоришда – 420,0; 252,0 ва 168,0 м³ ва мавсум давомида 50 метрда – 1568,0 м³, 30 метрда – 940,8 м³ ва 20 метрда – 627,2 м³ сув ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 795,5; 477,3 ва 318,2 м³ кам сув сарфланган, мавсумий суғориш меъёри 1591 м³/га кам сув берилганлиги кузатилди. Шундай 3-вариант, экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғорилган 1-чи суғоришда 50 метрга – 0,20 л/с да 364,0 м³ сув берилган бўлса, 30 метрга – 0,14 л/с да 218,4 м³ ва 20 метрга – 0,08 л/с да 145,6 м³; 2-чи суғоришда – 397,5; 238,5 ва 159,0 м³, 3-чи суғоришда – 408,0; 244,8 ва 163,2 м³, 4-чи суғоришда – 416,5; 249,9 ва 166,6 м³ ва мавсум давомида 50 метрда – 1586,0 м³, 30 метрда – 951,6 м³ ва 20 метрда – 634,4 м³ сув ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 777,5; 466,5 ва 311,0 м³ кам сув ҳамда мавсумий суғориш меъёри 1555 м³/га берилганлиги аниқланди. 4-вариант – эгат қатор орасига сомон тўшаб суғорилганда, 1-чи суғориш 50 метрга – 0,20 л/с да 367,0 м³, 30 метрга – 0,14 л/с да 220,2 м³ ва 20 метрга – 0,08 л/с да 146,8 м³; 2-чи суғоришда – 439,0; 263,4 ва 175,6 м³, 3-чи суғоришда – 423,5; 254,1 ва 169,4 м³, 4-чи суғоришда – 416,0; 249,6 ва 166,4 м³, 5-чи суғоришда – 562,0; 337,2 ва 224,8 м³ ва мавсум давомида 50 метрда – 2207,5 м³, 30 метрда – 1324,5 м³ ва 20 метрда – 883,0 м³ сув ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 156,0; 93,5 ва 62,4 м³ кам сув ҳамда мавсумий суғориш меъёри 312 м³/га кам сув берилган бўлса, 5-вариантда эгатни қарама-қарши суғоришда 1-чи суғориш 50 метрга – 0,20 л/с да 367,0 м³ сув берилган бўлса, 30 метрга – 0,14 л/с да 220,2 м³ ва 20 метрга – 0,08 л/с да 146,8 м³; 2-чи суғоришда – 449,5; 269,7 ва 179,8 м³, 3-чи суғоришда – 434,5; 260,7 ва 173,8 м³, 4-чи суғоришда – 426,0; 255,6 ва 170,4 м³, 5-чи суғоришда – 589,5; 353,7 ва 235,8 м³ ва мавсум давомида 50 метрда – 2266,5 м³, 30 метрда – 1359,9 м³ ва 20 метрда – 906,6 м³ сув ёки назорат вариантыга нисбатан 97,0; 58,1 ва 38,8 м³ оз сув ҳамда мавсумий суғориш меъёри 191 м³/га га кам сув берилганлиги аниқланди (1-жадвал).


Соянинг “Нафис” навини суғоришда эгат узунлиги ва сув оқими тезлигининг сояни суғориш меъёрларига таъсири (2017 йил)

Вариантлар номи	Эгат қатор ораси, м	Эгат узунлиги, м	Оқим тезлиги, л/с	Суғоришлар сони					Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га
				1-чи суғориш	2-чи суғориш	3-чи суғориш	4-чи суғориш	5-чи суғориш	
				Суғориш меъёри, м ³ /га					
1-вариант, эгатлаб суғориш (назорат)	0,6	50	0,20	361,5	469,5	454,5	462,0	616,0	4727
		30	0,14	216,9	281,7	272,7	277,2	369,6	
		20	0,08	144,6	187,8	181,8	184,8	246,4	
2-вариант, эгатга қора плёнка тўшаб суғориш	0,6	50	0,20	367,0	368,0	413,0	420,0		3136
		30	0,14	220,2	220,8	247,8	252,0		
		20	0,08	146,8	147,2	165,2	168,0		
3-вариант, экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғориш	0,6	50	0,20	364,0	397,5	408	416,5		3172
		30	0,14	218,4	238,5	244,8	249,9		
		20	0,08	145,6	159,0	163,2	166,6		
4-вариант, эгат қатор орасига сомон тўшаб суғориш	0,6	50	0,20	367,0	439,0	423,5	416,0	562,0	4415
		30	0,14	220,2	263,4	254,1	249,6	337,2	
		20	0,08	146,8	175,6	169,4	166,4	224,8	
5-вариант, эгатни қарама қарши томонидан суғориш	0,6	50	0,20	367,0	449,5	434,5	426,0	589,5	4533
		30	0,14	220,2	269,7	260,7	255,6	353,7	
		20	0,08	146,8	179,8	173,8	170,4	235,8	

Соя ўсимлигини суғориш меъёри С.Н.Рыжов тавсия этган формула бўйича ҳисобланиб, ҳар бир далага берилётган сув миқдори тажриба майдонидаги ўқариқнинг сув кириш қисмига ўрнатилган «Чипполетти» сув ўлчагичи ёрдамида ўлчанди.

Соянинг ўртапишар “Нафис” навини суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70–70–60 % суғориш олди тупроқ намлиги сақлаб туриш учун 1–3–1 ҳамда 1–3–0 тизимда суғориш ишлари 4 ва 5 марта амалга оширилди. “Нафис”

навини суғоришда уч йиллик ўртача мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғоришда – 4559 м³/га, гидрогель қўлаганда – 3038 м³/га, сомон тўшаб суғоришда – 4249 м³/га, эгатни қарама-қарши томонидан суғоришда – 4343 м³/га, эгатга қора плёнка тўшаб суғоришда – 3016 м³/га сарфланган бўлиб, қора плёнка тўшаб суғоришда, гидрогель қўлаб суғоришга нисбатан 22 м³/га, сомон тўшаб суғоришга нисбатан – 1233 м³/га, эгатни қарама-қарши томонидан суғоришга нисбатан – 1327 м³/га, эгатлаб суғоришга (назорат) нисбатан –1543 м³/га кам сарфланган (1-расм).



1–расм. Сояни суғоришда сув оқими тезлигини таъсири (2017 йил)

Соянинг кечпишар “Ўзбек-6” навини суғоришда уч йиллик ўртача мавсумий суғориш меъёри эгатлаб суғоришда – 4582 м³/га, гидрогель қўлаганда – 2994 м³/га, сомон тўшаб суғоришда – 4274 м³/га, эгатни қарама-қарши томонидан суғоришда – 4345 м³/га, эгатга қора плёнка тўшаб суғоришда – 2874 м³/га сарфланган бўлиб, қора плёнка тўшаб суғоришда гидрогель қўлаб суғоришга нисбатан 120 м³/га, сомон тўшаб суғоришга нисбатан – 1400 м³/га, эгатни қарама-қарши томонидан суғоришга нисбатан – 1471 м³/га, эгатлаб суғоришга (назорат) нисбатан – 1708 м³/га кам сув сарфланган.

Ўртача уч йиллик дон ҳосилини солиштириладиган бўлсак, энг юқори дон ҳосили соянинг ўртапишар “Нафис” навини эгатга қора плёнка тўшаб суғоришда – дон ҳосили 37,8 ц/га ёки эгатлаб суғориш (назорат) вариантыга нисбатан 11,8 ц/га қўшимча ҳосил олинган бўлса, соянинг кечпишар “Ўзбек-6” нави эгатга қора плёнка тўшаб суғоришда дон ҳосили 35,1 ц/га ёки эгатлаб суғориш (назорат)

вариантига нисбатан 9,9 ц/га қўшимча ҳосил олинганлиги кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Соя навларини суғоришда сувтежовчи суғориш технологияси
элементларининг ҳосилдорлигига таъсири (ц/га)**

Вар рақ.	Вариантлар номи	Йиллар бўйича ҳосилдорлик, ц/га			Ўртача дон ҳосилдорлиги, ц/га	Қўшимча дон ҳосили, ц/га
		2017 й	2018 й	2019 й		
Нафис нави						
1	Эгатлаб суғориш (назорат)	25,3	26,7	26,0	26,0	
2	Эгатга қора плёнка тўшаб суғориш	37,7	37,9	37,8	37,8	+11,8
3	Экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғориш	33,1	35,3	34,2	34,2	+8,2
4	Эгат орасига сомон тўшаб суғориш	31,1	32,9	31,8	31,9	+5,9
5	Эгатни қарама - қарши томонидан суғориш	27,8	29,4	28,2	28,5	+2,5
Ўзбек-6 нави						
1	Эгатлаб суғориш (назорат)	24,7	25,6	25,2	25,2	
2	Эгатга қора плёнка тўшаб суғориш	34,2	35,8	35,3	35,1	+9,9
3	Экиш билан тупроққа гидрогель қўллаб суғориш	31,6	33,1	32,4	34,2	+9,0
4	Эгат орасига сомон тўшаб суғориш	29,6	31,1	30,2	30,3	+5,1
5	Эгатни қарама - қарши томонидан суғориш	26,9	27,8	27,2	27,3	+2,1
Соянинг (“Нафис” нави)						
	НСП ₀₅ =	0,39 ц/га;	0,9 ц/га;	0,23 ц/га;		
	Sx=	1,28 %	2,7 %	0,73 %		
Соянинг (Ўзбек-6 нави)						
	НСП ₀₅ =	0,49 ц/га;	0,6 ц/га;	0,18 ц/га;		
	Sx=	1,65 %	1,8 %	0,61 %		

Диссертациянинг «Соя навини эгат узунлиги ва сув оқимида боғлиқ ҳолда соянинг сувтежовчи суғориш технологияси элементларининг иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида тажрибада қўлланилган ресурстежамкор суғориш технологияларнинг соя навларидаги иқтисодий самарадорлиги бўйича олинган маълумотлар келтирилган бўлиб, соянинг ўртапишар “Нафис” ва кечпишар “Ўзбек-6” навларини суғоришда

сувтежовчи суғориш технологияларни қўллаб, турли эгат узунлиги ва оқим тезликларига боғлиқ ҳолда иктисодий самарадорлигини аниқлашда қўлланилган барча агротехник тадбирларга, уруғликга сарфланган маблағ, қора плёнкани, сомони, гидрогельни сотиб олишга, қора плёнка ва сомони тўшашга ҳамда гидрогель қўлланилгандаги харажатлар, шу жумладан суғориш ва ҳосилни йиғиб олиш учун кетган сарф-харажатлар инобатга олинганлиги баён қилинган

